



ҲАРБИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ СУБЪЕКТЛАРИ, ОБЪЕКТЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ

Исроилов Қахрамон Анварович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

академияси магистранти

E-mail: Isroilov2025@gmail.com

Аннотация. *Мазкур мақолада ҳарбий тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари комплекс таҳлил қилинган. Хусусан, прокурор назоратининг субъектлари тизими, назорат объектларининг таснифи ҳамда назоратни амалга ошириш шакллари илмий асосланган ҳолда ёритилган. Ҳарбий тиббиёт тизимининг ёпиқлиги, қатъий иерархик тузилмаси ва давлат сири режимида фаолият юритиши мазкур соҳада назоратни ташкил этишига ўзига хос талабларни юзага келтиради. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ҳарбий прокурор ва ҳудудий ҳарбий прокурорларнинг ваколатлари, шунингдек, мутахассисларни жалб қилиш механизми атрофлича таҳлил қилинган. Назорат объектлари бошқарув органлари, даволаш-профилактика муассасалари, ҳарбий-тиббий экспертиза органлари ҳамда санитария ва таъминот муассасалари кесимида ўрганилган. Шунингдек, прокурор текшируви, ахборот-таҳлилий мониторинг, мурожаатлар билан ишлаш ва ҳуқуқий таъсир чораларининг ўрни очиқ берилган.*

Калит сўзлар. *прокурор назорати, ҳарбий тиббий хизмат, назорат субъектлари, назорат объектлари, ҳарбий прокуратура, қонунлар ижроси, тиббий муассасалар, ҳарбий-тиббий комиссия.*

Аннотация. *В статье осуществлён комплексный анализ теоретико-правовых и практических аспектов надзора за исполнением законов в сфере военного медицинского обслуживания. Особое внимание уделено системе субъектов прокурорского надзора, классификации объектов надзора, а также формам и механизмам его осуществления. Отмечается, что закрытый характер военной медицины, жёсткая иерархия и режим государственной тайны обуславливают специфику организации надзорной деятельности. В работе раскрываются полномочия Генерального прокурора Республики Узбекистан, Военного прокурора и территориальных военных прокуроров, а также роль привлекаемых специалистов. Объекты надзора рассмотрены в разрезе органов управления, лечебно-профилактических учреждений, военно-врачебных комиссий и санитарно-обеспечивающих структур. Проанализированы основные формы прокурорского надзора, включая проверки, аналитический мониторинг, рассмотрение обращений и применение актов прокурорского реагирования.*

Ключевые слова. прокурорский надзор, военная медицина, субъекты надзора, объекты надзора, военная прокуратура, исполнение законов, медицинские учреждения, военно-врачебная комиссия.

Abstract. This article provides a comprehensive analysis of the legal and practical aspects of supervision over the execution of laws in the field of military medical services. Particular attention is paid to the system of prosecutorial supervision subjects, the classification of supervision objects, and the forms and mechanisms of supervisory activities. The closed nature of the military medical system, its strict hierarchical structure, and operation under state secrecy significantly influence the organization of supervision in this area. The paper examines the powers of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan, the Military Prosecutor, territorial military prosecutors, as well as the role of involved experts and specialists. Supervision objects are analyzed across management bodies, medical and preventive institutions, military medical commissions, and sanitary and supply facilities. The main forms of prosecutorial supervision, including inspections, analytical monitoring, handling of complaints, and the application of prosecutorial response measures, are also explored.

Keywords. prosecutorial supervision, military medical service, subjects of supervision, objects of supervision, military prosecutor's office, enforcement of laws, medical institutions, military medical commission.

Ҳарбий курилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш механизмининг самарадорлиги прокурор назоратининг структуравий-функционал тузилиши қанчалик тўғри ташкил этилганига бевосита боғлиқдир. Ҳарбий тиббиёт тизими ўзининг ёпиқлиги, қатъий иерархик бўйсунув тартиби ва “давлат сирини” режимида фаолият юритиши билан бошқа соҳалардан кескин фарқ қилади. Шу боис, ушбу соҳада назоратни ташкил этишда “Ким текширади?” (субъект), “Кимни ва нимани текширади?” (объект) ҳамда “Қандай усулда амалга оширади?” (шакл) деган концептуал масалаларга аниқлик киритиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ушбу параграфда назоратнинг институционал тузилмасини ушбу йўналишда комплекс таҳлил қиламиз.

1. Назорат субъектлари тизими. Ҳарбий тиббий хизмат соҳасида соғлиқни сақлаш қонунчилиги ижроси устидан назорат қилувчи субъектлар деганда, қонун билан махсус ваколат берилган, назорат тадбирларини ўтказиш, қонун бузилишини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 7 июндаги 241-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга асосан, назорат субъектлари қатъий марказлашган вертикал тизимни ташкил этади. Ушбу тизимни ваколат қўламига қараб қуйидаги даражаларга ажратиш лозим:

1. Олий даражадаги назорат субъекти – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори. Бош прокурор бевосита текширув ўтказмаса-да, назоратнинг стратегик йўналишларини белгилайди. Унинг тиббий соҳадаги ваколатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Назорат сиёсатини шакллантириши: Масалан, Бош прокурорнинг 2023 йилдаги махсус топшириғи орқали тиббиёт соҳасидаги коррупция ва талон-торожликка қарши кураш устувор вазифа деб эълон қилинди.

Норматив тартибга солиши: Мудофаа вазири ва Соғлиқни сақлаш вазири билан биргаликда идоралараро келишувларни (масалан, тиббий кўрик тартибини) тасдиқлашда иштирок этади.

Мувофиқлаштириши: Ҳарбий ва ҳудудий прокурорлар ўртасидаги ваколатлар чегарасини (масалан, ҳарбий хизматчи фуқаровий шифохонада жиноят содир этса ким тергов қилишини) белгилаб беради.

2. Махсус ваколатли марказий субъект – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори. Ушбу субъект Қуролли Кучлар тизимидаги қонунийлик учун бевосита жавобгардир. Унинг ваколатларига қуйидагилар киради:

Идоравий ҳужжатлар назорати: Мудофаа вазирлиги Марказий аппарати ва Тиббий таъминот бошқармаси томонидан чиқарилган буйруқ, қарор ва йўриқномаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига (хусусан, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга) мослигини текшириш. Агар зиддият аниқланса, протест келтириш.

Республика миқёсидаги объектларни текшириши: Марказий ҳарбий клиник госпиталь, Марказий ҳарбий-тиббий комиссия (МХТК), Марказий санитария-эпидемиология назорати маркази ва Марказий суд-тиббий экспертиза лабораторияси фаолиятини бевосита назорат қилиш.

3. Ижрочи (қуйи бўғин) назорат субъектлари – ҳудудий ҳарбий прокурорлар. Назоратнинг энг катта ҳажми айнан ушбу субъектлар зиммасига тушади. Улар жойлардаги (“полевой”) объектлар билан бевосита ишлайди. Ҳудудий ҳарбий прокурорлар: ҳарбий округ бошқарув аппаратидаги тиббий хизмат бошлиқлари фаолиятини, округ госпиталларини ва округ СЭНМларини, Ҳарбий қисм командирларининг тиббий таъминотга оид буйруқларини, ҳарбий қисм тиббиёт пунктлари, лазаретлар ва батальон даражасидаги ошхона, ҳаммом, казармаларнинг санитария ҳолатини назорат қилади.

4. Жалб қилинувчи мутахассислар (Функционал субъектлар). Тиббий махсус билим талаб қилувчи соҳа. Прокурор ҳуқуқшунос бўлгани учун даволаш сифати ёки дори таркибини мустақил баҳолай олмайди. Шу боис, қонунчиликда мутахассис (эксперт) институти жорий қилинган. Текширув жараёнида қуйидагилар назорат субъекти сифатида жалб қилинади:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассислари: ташхис ва даволаш стандартларига риоя этилганини баҳолаш учун.

Давлат молиявий назорати инспекторлари: бюджет маблағларининг сарфланиши ва дори воситалари харидидаги нархларни таҳлил қилиш учун.

СЭС врачлари: озиқ-овқат хавфсизлиги, сув сифати ва эпидемиологик вазиятни лаборатор текширувдан ўтказиш учун.

Фармацевтика агентлиги мутахассислари: дори воситаларининг сифати ва яроқлилиқ муддатини текшириш учун.

Таъкидлаш лозимки, мутахассислар фақат ўз соҳаси бўйича хулоса беради, лекин яқуний юридик қарорни (жиноят иши қўзғатиш ёки интизомий жазо) фақат прокурор қабул қилади.

2. Назорат объектларининг таснифи, хусусиятлари ва текшириш йўналишлари. Назорат объекти – бу прокурор назорати қаратилган вазирлик, идора, муассаса, ҳарбий қисм ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятидир. Мудофаа вазирлиги тизимидаги тиббий хизматнинг кўп тармоқли тузилмасидан келиб чиқиб, назорат объектларини функционал вазифасига кўра тўрт гуруҳга ажратиш ва ҳар бирининг ўзига хос текширув йўналишларини белгилаш мумкин.

I. Бошқарув ва маъмурий-ташкилий органлар. Бу объектларда прокурор асосан норматив ҳужжатлар, кадрлар сиёсати ва умумий бошқарув қонунийлигини текширади.

Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси:

Текшириш йўналиши: давлат дастурлари (“Йўл хариталари”) ижроси; тиббий хизматни ривожлантириш стратегиясининг тўғри белгилангани; кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қонунийлик (қариндош-уруғчиликка йўл қўймаслик); дори воситаларига бўлган йиллик эҳтиёжни режалаштириш асослилиги.

Ҳарбий округ тиббий хизматлари:

Текшириш йўналиши: округ қўшинларини тиббий таъминлаш режалари; ҳарбий қисмлар тиббиёт пунктлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳолати.

II. Даволаш-профилактика муассасалари (Асосий хизмат кўрсатувчи бўлинма). Бу энг муҳим ва ҳажмли назорат объекти бўлиб, инсон (аскар) ҳуқуқлари бевосита шу ерда таъминланади.

Ҳарбий госпиталлар (Марказий ва округ):

Қабул бўлими: беморларни қабул қилишда бюрократия ва таъмагирлик йўқлиги; шошилинч ёрдам кўрсатиш тезкорлиги.

Даволаш бўлими: клиник протоколлар ва стандартларга риоя этилиши; дори воситаларининг беморга тўлиқ етиб бориши (“кровать ёнида” текшириш); жарроҳлик амалиётларининг асослилиги.

Реанимация: қимматбаҳо дорилар ва қон препаратларидан фойдаланиш қонунийлиги; ўлим ҳолатлари таҳлили (асоссиз ўлим).

Ҳарбий поликлиникалар:

Текшириши йўналиши: амбулатор қабул сифати; офицерлар таркиби ва уларнинг оила аъзоларини диспансеризациядан (профилактик кўрик) ўтказиш камрови; уйда даволанаётган (стационар ўрнини босувчи) беморлар назорати.

Мобил тиббий отрядлар (МОСН) ва дала госпиталлари:

Текшириши йўналиши: дала шароитида (полигонларда, ўқув машғулотида) тиббий ёрдам кўрсатиш шайлиги; эвакуация транспортларининг созлиги.

Ҳарбий қисм тиббиёт пунктлари (Лазаретлар):

Текшириши йўналиши: Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори қопчалари (сумка)нинг бутланганлиги; касалларни ўз вақтида аниқлаш (эрталабки кўрик сифати); касалларни госпиталга юборишда командирлар томонидан тўсқинлик қилинмаслиги; симулянтларни (ёлғон касалларни) аниқлаш механизми.

III. Ҳарбий-тиббий экспертиза органлари (Коррупциоген объектлар). Ушбу объектлар ҳарбий хизматчининг тақдирини ҳал қилувчи қарорлар қабул қилгани боис, назорат остида бўлиши шарт.

Ҳарбий-тиббий комиссиялар (ХТК):

Текшириши йўналиши: чақирилувчилар, курсантлар ва ҳарбий хизматчиларнинг “хизматга яроқлилик” тоифасини белгилаш қонунийлиги. Соғлом фуқарони “яроқсиз” деб топиш (порахўрлик эвазига) ёки касал аскарни “соғлом” деб хизматга юбориш (режани бажариш учун) ҳолатлари. Ногиронлик гуруҳларини белгилаш асослилиги.

Патологоанатомик лабораториялар ва суд-тиббий экспертиза:

Текшириши йўналиши: ўлим сабабларини тўғри аниқлаш. Командирлар томонидан ўлимнинг ҳақиқий сабабини (масалан, жисмоний зўравонлик ёки захарланиш) “юрак хуружи” каби табиий сабаблар билан яширишга уриниш ҳолатларини фош этиш.

IV. Санитария, таъминот ва реабилитация муассасалари.

Санитария-эпидемиология назорати марказлари (СЭНМ):

Текшириши йўналиши: кўшинлардаги эпидемиологик барқарорлик; юқумли касалликлар ўчоғини вақтида жиловлаш; сув ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича лаборатор хулосаларнинг холислиги.

Марказий тиббий база ва дори омборлари:

Текшириши йўналиши: давлат мулкани талон-торож қилишнинг олдини олиш. Дори воситаларининг сақланиш шароити (ҳарорат, намлик), яроқлилик муддати, инвентаризация натижалари ва камомадлар.

Ҳарбий санаторийлар ва дам олиш уйлари:

Текшириши йўналиши: имтиёзли йўлланмаларнинг адолатли тақсимланиши (ҳақиқий муҳтожларга бериляптими?); реабилитация хизматлари сифати.

3. Назоратни амалга ошириш шакллари ва процессуал механизмлари. Назорат шакллари – бу прокурорнинг қонун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича амалга оширадиган ташкилий ва процессуал ҳаракатлари мажмуидир.

1. Прокурор текшируви (назоратнинг асосий шакли). Бу энг кенг қамровли шакл бўлиб, қуйидаги турларга бўлинади:

Комплекс текширув: бирор бир гарнизон ёки йирик ҳарбий госпиталнинг бутун фаолиятини (молия, даволаш, кадрлар, озиқ-овқат, хавфсизлик) қамраб олади. Одатда йилига бир марта Бош прокуратура режаси асосида ўтказилади.

Мақсадли (соҳавий) текширув: аниқ бир долзарб йўналиш бўйича ўтказилади. Масалан, Бош прокурорнинг 2023 йилдаги топшириғига асосан фақат “Онкологик ва гематологик касалликларни эрта аниқлаш” ёки “Дори воситаларининг мақсадли ишлатилиши” бўйича барча ҳарбий қисмларда бир вақтнинг ўзида текширув ўтказиш.

Назорат тартибидаги текширув: олдинги текширувда аниқланган камчиликлар баргараф этилганлигини жойига чиқиб ўрганиш.

Тезкор (сигнал бўйича) текширув: фавқулодда ҳолатлар (оммавий заҳарланиш, аскар ўлими, ОАВдаги танқидий мақола) юз берганда зудлик билан ўтказиладиган текширув.

2. Ахборот-таҳлилий мониторинг (Доимий назорат). Текширувга чиқмасдан туриб, кабинетда амалга ошириладиган шакл.

Статистик таҳлил: Ҳарбий қисмлардаги касалланиш динамикасини ССВ ва МВ маълумотлари билан солиштириш (“cross-checking”).

Ҳуқуқий актлар назорати: Мудофаа вазирлиги томонидан чиқарилган буйруқларнинг қонунчиликка мослигини доимий ўрганиб бориш.

3. Коллегиал органлар ишида иштирок этиш. Прокурор Мудофаа вазирлиги Ҳайъат мажлислари ёки Марказий ҳарбий-тиббий комиссия (ХТК) йиғилишларида иштирок этади. *Мақсад:* ғайриқонуний қарорлар қабул қилинишининг олдини олиш (“veto” ҳуқуқисиз, лекин огоҳлантириш ваколоти билан).

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан келган шикоятлар билан ишлаш. Тиббий ёрдам сифатидан норозилик билдирилган ҳар бир мурожаат бўйича хизмат текшируви тайинланади.

5. Прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш (Ҳуқуқий таъсир кўрсатиш). Аниқланган қонун бузилишларига нисбатан прокурор назорати ҳужжатларини қўлланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.02.2024 й., 03/24/909/0133.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2025 й., 03/25/1025/0116-сон;

3. Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон;

4. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдаги “Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4870-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2020 й., 07/20/4870/1406-сон;

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғи // Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруқлари [Матн] Т.2. / Тошкент: Тасвир, 2018.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қуролли Кучлар, Давлат хавфсизлиги хизмати ва божхона органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 241-сонли буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майдаги 229-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом.

9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 мартдаги 11, 8, 5, 6, 23 ққ, 37-сон қўшма қарори (*Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 апрелда 3147 рақами билан рўйхатдан ўтказилган*) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.09.2025 й., 10/25/3147-3/0795-сон;